

Олис-олис кирлар ортидан, Бойсун тоглари адогидан дилни орзиктиргувчи наво тарагади. Мўйсафид харсангтошлар мангалик дуосини ўгираётгандек, ўркач-ўркач бўлиб ётган адирлар асрлардан ёдгор карвонларни эслатади. Ям-яшил даштларда кора сурувлар, осмоннинг зангори яйловида эса бокилган ок хисори кўйлар мисоли семиз булутлар сокин кезинадилар. Дунё чексиз, борлик худуд бухудуддай. Наво кир-адирлар, тепалар ва дўнгликларнинг мусикий шакли-шамойили янглиг ўркач-ўркач, тўлкин-тўлкин бўлиб, гоҳ пастланиб, гоҳ баландланиб кетади. Элас-элас, олис-олис согинчлар, хижрону фирок, айрилик ва дийдор манзиллари. Барчасига бекат – шоир юраги. Бунда – эшиклар ёпилмайди, “Илтимос, суюнмангиз” деган эслатмалар йўк.

Умримни бир олис ишкка алмашдим,
Кечдим хушёрликдан, тушга алмашдим.
Беканот калбимни кушга алмашдим,
Сизсиз ўтган умрим бекор, ёрижон,
Не баҳтким, юрагим бемор, ёрижон.

“Олис ишк”ни тахлил килиб, шархлаб бермок учун шоирнинг хаёти камлик килади. Бу йўлда умр сарф килинади, бунинг божу хирожи калб кони билан тўланади. Шоирлик хам худди шофёрликдай: бироннинг юкини вужуди, юрагининг юхонасига ортиб олгану олис йўлга отланган. Йўл гоҳ ўнкир-чўнкир, гоҳ довон бўлса, гоҳ дашту биёбон. Юк баъзан оғирлик килади, унинг залвори, салмоги катта. Шоирга йўл-пўлда колиб кетмасин деган максадда эҳтиёт гилдираги берилмаган. Юкни чидам билан тортмоги, манзилга согомон элтмоги керак. Ўзи, калбию виждони олдидағи, адабиёт ва шеърият, хаёту тириклиқ, элу юрт олдидағи карздорлик, бурч ва жавобгарлик юки.

Ииллар согинчларга, согинчлар йилларга айланади. Шеърлар шоир умри, калб ва рухининг харитасига ўхшайди. Тун ва кун, кеча ва кундуз, масофалару маконлар. Хар бир китоб бир манзил мисол таассурот колдиради. Бойсундан Тошкент кадар, Тошкентдан чексиз оламлар кадар йўл. Ою куёш, замину осмон, фалаклару юлдузлар, кейин – кета-кетгунча чироклар, чироклар, дилга якин ва кадрдан чироклар. Умр ўтган сари, юкини таркатиб, улашиб борган сайин шоирнинг юки ортиб, оғирлашиб бораверади. Бу юк камайишга эмас, кўпайишга махкум этилган. Шоирлик кисматида азалдан шундай ёзилган.

Гарчи ўртамиизда согинчу хижрон,
Гарчи висол йўли вайрондир вайрон.
Аммо азобингиз кўксимда хар он
Муқаддас оловдай колди, ёрижон,
Шукрким, сиз билан ёндим, ёрижон.

Бир замонларда, XX асрнинг 70-йиллари бошида олис Олмониёда харбий хизматда юрган аскар йигитдан почта жилдига жойланган бир даста шеър Тошкентга учеб келади. Бу жилд кўлига теккан киши: “Ёт юртларда уйини, Ватанини согинган бир ўзбек боласининг нима килишни билмай, шунчаки хавасга коралаган машкларидир-да» деб ўйлаши хам эҳтимолдан холи эмас эди. Бирок аскар йигитнинг хаёту тақдири жойланган,

умрий кисматини хал килиб бериши лозим бўлган жилд хакикий эгасига, имон-эътикоди бутун, беназир ва бегараз устоз, улуг бир инсоннинг кўлига тушади. Орадан киска вакт ўтиб, республиканинг обрўли, машхур журналларидан бирида устоз адиб Шухрат домланинг “Солдатдан мактуб келди...” дея бошланувчи, гоят хаяжонли, самимий хайрихохлик ва меҳр билан битилган ок фотихаси, давомидан эса бир туркум шеърлар эълон килинади. Биз – ўрта мактаб битирувчилари бўлмиш беармон хаваскор болалар дунёда армоннинг хам хиди борлигини илк бора ўша шеърлардан билиб олганмиз: «Каршимда лобар киз ўлтирас жиддий. Ичмаган, столда кадаҳи лим-лим. Сездингми, хавода бир армон хиди. Оламда турналар учмокда, синглим».

Кейин ок ёмгиrlар, шеърият ва муhabbat фасли бошланди.

Хозирда Ёшлар, ўшанда Талабалар шахар-часидаги адабий мухит, шеърият кечаларию назмий анжуманларни зир титратган “Инсонни тушуниш” китобчаси, “Бойчечак”, “Подполковник Фатеев”, “Сен йўк эдинг...”, “Мени севинг, мендан нафратланинг”, “Бу ерга келтирди мени тасодиф”, “Тонг титрайди кеч кузакнинг кучогида”, “Бойсун хакида гамгин баллада”, “Параллел чизиклар”, “Севги хакида умидбахш баллада”, “Олис юртнинг бегона иси” сингари бизнинг тасаввур ва тафаккуrimизни бутунлай ўзгартириб юборган, ўсмир кўнглимиzinи агдар-тўнтар килиб берган ўнлаб, юзлаб шеърлар. У шеърий окшомлару бу шеърлар сабаб биз адабиётнинг якин ошнолариға айландик. Янги оханглар, назмдаги эски колипларни синдирган ўзига хослик, мутлако янгича бир шеърият бизни сехр этди, калбларимизни тарбиялади. Ўша давраларда машхур бўлиб кетган “Бойчечак” шеъри – меҳр ва согинчнинг тоза ва маъсум киссаси хаммамизга якин ва кадрдон бўлиб колди: “Бойчечагим бойланди Бойчечагим бойланди Бугун олисда ёшлиқ Замин канча айланди”. Муаллифнинг баланд пардаларда, юксак санъат ва маҳорат билан, жазавага тушган дирижёрни эслатувчи киёфада ўз шеърини айнан ижро этиб бериши, унинг таъсир кучини, довругини икки карра ошириб юборган эди.

Талабалигимиз хавосидан шеър, согинч ва ифор уфурап, ётотхонамизнинг гарис, кўримсиз йўлакларида узун киш кечаларида хам бойчечаклар шивирлаб-шитирлаб юргандек туюларди.

Биз хавас килган шоир акамизнинг елкалари хурпайган, кадду бастига гоят ярашган жун пўстини бўларди. Шеърлари, шеър ўкишлари билан бирга шу пўстини хам уни бошка шоирлардан алоҳида ажратиб туради. Пўстин эгасини гоят салобатли, вахимали килиб кўрсатар, хаваскор талабаларнинг доимий хамдами, кадрдон адабий маслаҳатчисига айланиб колган Махмуд ака, устоз Махмуд Саъдий Шота Руставелининг машхур асарига киёсан шоир огамизга “Айик терисини ёпинган Усмон Азим” деб ном кўйган эди.

Беш йилимиз найсон булутлари янглиг тез ўтиб кетди. Чакинларимиз олислаб, талабаликнинг бор орзу-хаваслари, гулу чечакларимиз, ёшлигимиз ортилган осмоннинг калдирок аравалари хам биздан йироклашдилар.

Хаёт синовлари, тириклиknинг хакикий имти-хон-лари даври бошланди.

Ўтган аср, 80 – йилларнинг бошлари, мушоиралар, адабий давралар кизигандан кизиб борар, бу давраларнинг севимли эркаси, гултожи машхур рассом Шухрат Абдурашидов эди. Раҳматли Шухрат ака шеъриятни жон-дилдан севар, Миртемир домланинг “Ў, менинг ўзбаки юрагим. Неччига бўлиндинг, неччига?!..” деган машхур сатрларини хамиша айтиб юрар, айтиб бўлгач эса, шеърни худди ўзи ёзгандай, кулочларини кенг ёйиб астойдил завкланаарди. У кишига «Рассомларнинг шоири, шоирларнинг рассоми» деб зарофат килишган эди. Давраларга хам, шеъриятга хам файз ва ранг киритган мусаввир ўшанда адабиётга меҳр-муhabbatининг ифодаси сифатида “Ижодкор дўстларим” деган

катта хажмли рангтасвир асарини чизиб, адабий жамоатчилик хукмига хавола этганди. Асар хаммага маъкул келиб, анча-мунча шов-шувларга сабаб бўлди. Унда Рауф Парфи, Эркин Аъзам, Нодир Норматов, Хуршид Даврон сингари таникли адиблар каторида Усмон ака портретига, киёфаси, холати ва ички дунёсига алоҳида ургу берилган. Шоирни тасвиirlар экан, мусаввир аслида унинг катта калбини, ундаги оғир юқ залворини ифодалаган эди. Кейин барча ижодкорлар – рассомлар, шоир-ёзувчилар, актёрлару олимларнинг калбини ларзага солган кутилмаган фожия рўй берди. Шухрат aka автомобил халокатига учраб, ўн кунча ўзига келмай оламдан ўтди. Бешёгочдаги уйида, азасига келган кекса онаси “Тошкентларда юрган шоир болам” дебон уввос солди. Тасвирий сатъатимизгина эмас, адабиёт учун хам катта йўкотиш бўлган бу воеадан устозлар, ижодкор акаларимиз анча вактгача эсанкираб маъюсланиб юрдилар. “Осмонга тикилдим хаёлим огиб. Бир парчаси булут, бир парчаси кўк. Вакт деган шунча тез ўтдими окиб. Менинг ёнимда хам энди бирор йўк”.

Ўша кезлари Усмон аканинг «Адабиётни, Ватанни, дўстларни севишни, кадрлашни Шухратдан ўрганишимиз керак» деган сўзлари маънисини кейин англадик. Кискагина умри (ўшанда рассом бор-йўги 29 ёшда эди) давомида мусаввир хайратланарли даражада кўп иш килишга улгурган экан. Энг муҳими, у ўз асарларида Ватанни, она юрт суратини бор тароватию мухаббати билан кўрсатиб кетган эди. Тузум ва замон гирром бўлишига карамасдан, шоирларимиз ижодида хам бу мавзу алоҳида ўрин эгаллаб, кучайиб бораётган эди. Жумладан, Усмон аканинг юкорида тилга олинган “Бойчечак”, “Бойсун хакида гамгин баллада”, “Ватан хакида шеър”, “Абдулла Кодирий”, “Бойсун кирларида бир ўзим кездим”, “Самарканд.Тунги сайр”, “Теша Сайдалиев хотирасиға”, “Онамга мактуб”, “Дашт”, “Гафур Гулом...” сингари ўнлаб шеърлари, «Бахшиёна» туркумию устоз Аскад Мухтор “Гулистон” журналида чоп этган “Ок шарпа”, Темурийзода сultonларга багишлиган “Халил Султон” драматик достонларигача ўша йилларда ёзилиб, кўпчилик ўкувчиларнинг меҳрини козонган эди.

Жавзо. Бир эрка шамол
Бугдойзорга урар тўш.
От елар. Чавандознинг
Бир енги хилпирав – бўш...

Опа, Ватан – улуг дард,
Опа, Ватан bog бўлсин.
Шеърда суратин чизсам,
Тўрт мучаси sog бўлсин!

Бу Ватан шеърларда тилга киради, шоирга «Болам... Юрак билан кўксинг безадим» дейди. Бундан-да гўзалрок саодат борми дунёда! “Юрагимга сигмади согинч. Бўлмайин деб хижронда вайрон. Энди куйлай бошладим нотинч: – Бойсун! Бойсун!Бойсун!
Бойсунжон!..”

Мазкур шеър устоз адибимиз Шукур Холмирзаевга багишлиган. Уни тинглаётиб, Шукур аканинг кўзларига ёш калкканларига неча бор гувоҳ бўлганмиз. Шоир бу мавзуни насрый асарларида хам давом эттириб, «Узок хайрлашувлар” номли гўзал эссесида адиб билан Ватаннинг дардли ва жозиб суратини яратади.

Илк “Инсонни тушуниш” китобидан то “Холат”, “Дарс”, “Сурат парчалари”, “Иккинчи

апрел”, “Бахшиёна”, “Уйгониш азоби”, “Гусса” билан “Куз” тўпламларигача кечган вакт чамалаб кўрилса агар, сўз ва шеър йўлида чекилган захматлар, изтироблару завку шавклар бесамар кетмагани, адабиёт ва шеъриятга бахшида, инсоний туйгулар или лиммо-лим, дийдору айриликлар, согинчлару севинчларга тўлуг сермазмун бир умр бор бўй-бости билан гавдаланади.

Нихоят, узок кутилган истиклол даври бошланди. Янги замон ижодкорларга янги сарполар кийгизди. Мустабид тузумнинг асрий занжирлари чилпарчин бўлди. Сўз хам озодликка чикди. Кейинги салкам йигирма йиллик муддат Усмон Азим хаёти ва ижодининг сермаҳсул даври, янада теранлашиш ва юксалиш йиллари бўлди. “Алпомиш” бадиий филмининг кинокиссаси, шоирнинг асари асосида суратга олинган, Ватан, она юрт согинчи хакида гўзал кўшикдай таассурот колдиргувчи “Севги” бадиий фильм, Абдулхамид Сулаймон Чўлпонга багишлиланган “Кундузсиз кечалар”, устоз адиблар Гафур Гулом, Абдулла Каххор хакидаги катор драматик асарлари, шунингдек насрый битикларини ўзида жамлаган “Жоду” китоби, “Юрак” ва “Фонус” шеърий тўпламлари шоирнинг калб меҳнатхонасида узлуксиз ижод баракали давом этаётганидан далолат беради. Айникса, охирги икки китоби – бу шеърият йилдан-йилга киёмига етиб, донишмандлик ва етуклиқ касб этганини, умр ва калб хикматлари яхлит ёмби холатга келганини кўрсатиб турибди. Аслида Яссавий, Навоий боболар давридан буён айтиб келинаётган бу хикматлар XXI асрга келиб шоиримиз тилидан янгича жаранглайди: Мана, улардан бири, умр хакида шоир бундок дейди: “Ўзи бир ёғиб ўтишга арзийди одамнинг умри. Ёғ умрим, кўнгиллар кўкарсин!”

Адабиёт, хусусан шеъриятнинг хам асосий вазифаси шунда: кўнгилларни кўкартириш, дилларни яшнатиш. Усмон ака бу эзгу Бурчни катъият ва мардоналик билан уддалаб келаётган устоз шоиримиз, катта элнинг катта окини. У кишига бир умр хамдаму хамнафас, дарду кувончларига бирдек шерик, таъби назми баланд, диди нозик таржимон Раъно янгамизнинг шарафли бу кисматда алохида макоми борлигини хам таъкидлаб ўтмок жоиз. Адабиёт, жаҳон адабиёти, китоб ва китобхонлик, назму наср, мумтоз ва замонавий асарлар хакида энг кўп гапириладиган бу хонадонга хаваскор ёшлиқ йилларимизда биз хар доим ошикиб, интилиб яшаганмиз. Инсонни тушуниш, китоб ва адабиётга меҳр, дид ва саводхонлик тарбияси, сўзга эътибор ва муносабатни биз шундай устозларимиз, уларнинг хонадонидаги адабий мухитдан хам ўргандик, хаётларидан ибрат олдик. “Сенга хеч нарса килолмадим, Ватан!” деб айтиш учун хам аввало она юртни, тугилган тупрокни севишни билиш керак. Адабиётга мухабbat хам худди шундай.

Алкисса, аскар йигитнинг “шинелли йиллар” и ортда колди. Рахматли Шухрат домланинг дуолари ижобат бўлди. Шу лахзаларда Термизда, кадим Жайхун киргокларида Ватан чегараларини химоя килаётган бир аскар йигит коралама шеърларини хатжилдга жойлаб, минг орзу-хавас билан Ўзбекистон халк шоири Усмон Азим номига жўнатаётган бўлса, хеч ажабланманг. Азиз ўкувчи! Унга халакит бермайлик. Хозир у бутун умрини, борлигию кисматини олис бир ишкка – шеъриятга, адабиётга алмashiшга шайланаётгандир...

Сирожиддин Сайид

